



# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Марказий банк асосий  
ставкаси **йиллик 13,5 фоиз**  
даражасида **ўзгаришсиз**  
қолдирилди

---


Пул-кредит сиёсатининг  
2025 йил ва 2026-2027 йиллар  
даврига мўлжалланган асосий  
йўналишлари **концептуал**  
**жиҳатдан** тасдиқланди

Бошқарув йиғилиши  
2024 йил 31 октябрь




## Сентябрь ойида умумий инфляция йиллик 10,5 фоизни ташкил қилди (энергия нархлари таъсирисиз 6,9 фоизга тенг бўлди)

### Энергия нархлари таъсири билан, фоизда




### Энергия нархлари таъсирисиз, фоизда



## Базавий инфляция ва унинг таркиби ўзгариши (1)


### Базавий инфляция таркиби



Базавий инфляция ўтган ойга нисбатан бироз ошиб, йиллик 7,1 фоизга тенг бўлди.

Сентябрь ойида базавий инфляциянинг ошиши, асосан, **хизматлар** гуруҳи инфляцияси тезлашиши эвазига шаклланди.

### Базавий озиқ-овқатлар таркиби




Августга нисбатан озиқ-овқатлар базавий инфляцияси бироз пасайиб, йиллик 5,7 фоизни ташкил этди.

Пасайтирувчи гуруҳлар: нон маҳсулотлари ва тухум

Оширувчи гуруҳлар: гўшт, ёғ маҳсулотлари

## Базавий инфляция ва унинг таркиби ўзгариши (2)

### Базавий ноозиқ-овқатлар таркиби



Ноозиқ-овқатлар базавий инфляциясида ҳам пасайиш кузатилди ва йиллик 7,0 фоизни ташкил этди.


Пасайтирувчи гуруҳлар:

Кийим-кечаклар, гигиена воситалари

Оширувчи гуруҳлар:

Дори воситалари, қурилиш материаллари

### Базавий хизматлар таркиби



Хизматлар базавий инфляцияси 0,5 фоиз бандга тезлашиб, йиллик 10,1 фоизни ташкил этди.



Оширувчи гуруҳлар:

Таълим, турар-жой, дам олиш хизматлари

Пасайтирувчи гуруҳлар:

Маиший хизматлар

## Аҳоли ва тадбиркорлар томонидан сезилган инфляция, инфляцион кутилмалар ва уларнинг омиллари




респондентларнинг улуши, фоизда

АҲОЛИ	2023			2024								
	окт	ноя	дек	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен
Валюта курсининг ўзгариши	59	58	60	55	56	61	55	49	41	39	42	50
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	49	43	47	49	54	50	47	49	47	44	46	47
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	36	38	37	39	39	42	55	57	54	51	49	45
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	24	38	33	32	28	29	23	24	26	22	40	39
Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	31	31	31	32	30	35	29	30	28	28	27	29
Транспорт (йўл кира) харажатларининг ошиши	29	26	29	29	33	29	28	28	28	26	26	28
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	25	24	24	24	22	26	25	22	21	20	23	25

ТАДБИРКОР	2023			2024								
	окт	ноя	дек	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен
Валюта курсининг ўзгариши	62	61	62	59	57	61	60	52	42	38	42	51
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	37	38	33	35	37	38	54	55	53	50	47	46
Ёқилғи ва энергия ресурслари қимматлашиши	47	40	42	43	49	44	44	43	41	42	45	44
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	24	37	34	28	26	26	22	21	22	17	38	38
Транспорт харажатлари қимматлашиши	32	29	30	33	35	33	31	33	29	31	31	31
Хомашё нархларининг қимматлашиши	15	14	14	28	28	28	27	26	26	25	26	27
Солиқ юкининг юқорилиги	20	19	24	24	27	25	31	35	31	28	27	27

## Нархлари йиллик 5 фоизгача ошган товар ва хизматларнинг ИНИ таркибидаги улуши



— 5 фоизгача ошганлар улуши (сони бўйича)


— 5 фоизгача ошганлар улуши (вазн бўйича)

Сентябрь ойида йиллик нархи **5 фоизгача ошган** товар ва хизматлар улуши **35,1 фоизгача** кўтарилди.


Инфляцияни **5 фоизлик** таргет кўрсаткичига қадар пасайтириш мақсадида ушбу икки кўрсаткичнинг **доимий яхшиланиб бориши** зарур бўлади.

## Иқтисодий ўсиш 2024 йил III чорақда 6,6 фоизни ташкил этди

ЯИМ ва унинг компонентлари ўсиши,  
кумулятив, фоизда



ЯИМ реал ўсиши декомпозицияси,  
кумулятив, фоизда




**Саноат** маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **7,0 фоизга** (ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси – 1,8 фоиз банд), кўрсатилган бозор **хизматлари** ҳажми **12,8 фоизга** (3,3 фоиз банд), **қишлоқ хўжалиги** – **3,1 фоизга** (0,6 фоиз банд) ва **қурилиш** соҳаси **9,1 фоизга** (0,6 фоиз банд) ўсди.






## Экспорт кўрсаткичлари

Экспорт барқарор компонентларининг ўсиш суръатлари, кумулятив, фоизда




Экспортнинг айрим таркибий қисмлари декомпозицияси, ф.б.




Жаҳон бозорида экспорт хомашё товарлари (олтин, уран, мис) нархининг қулай шаклланиши ва ташқи талабнинг юқорилиги ҳисобига умумий экспорт ҳажми **11,5 фоизга** (олтинсиз экспорт **15,5 фоизга**) ошди. Шу билан бирга, **базавий экспорт** динамикасида ўсиш тенденциясини давом эттирмоқда. **Ҳажм жиҳатидан** электр энергия ва табиий газ, сабзаотлар, ип-калава ва уран экспортининг ошиши кузатилди.

## Трансгегаравий пул ўтказмалари

Трансгегаравий пул ўтказмалари ҳажми,  
млн. долл




Аҳоли билан валюта операциялари,  
млн. долл



9 ой давомида мамлакатга кириб келган пул ўтказмалари ҳажми **11,3 млрд** долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **34,8 фоизга** ошди. Ушбу даврда аҳолининг валюта хариди ва сотуви ўртасидаги ижобий тафовут **4,8 млрд.** долларни ташкил этди.


## Иқтисодиётда “нисбатан қатъий” пул-кредит шароитлари таъминланмоқда

<b>Кўрсаткичлар</b> (Қатъийлик даражаси) 	2023												2024									
	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя	дек	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	
Асосий ставка (реал даражада)	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
Пул бозори фоиз ставкаси (реал даражада)	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
РЕПО бозори фоиз ставкаси (реал даражада)	White	Yellow	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
Самарали ликвидлик позицияси ўзгариши (йиллик, %)	Green	Green	Green	Green	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
ДҚҚ ўртача даромадлиги (реал даражада)	White	Yellow	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	White	White	White	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
Аҳоли муддатли депозитлари ўсиши (йиллик, %)	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
Аҳоли кредитлари ўсиши (йиллик, %)	Yellow	Yellow	Yellow	Green	Green	Green	Green	Green	Green	Green	Green	Green	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	
Аҳоли инфляцион кутилмалари	Green	Green	Green	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
Тадбиркорлар инфляцион кутилмалари	Green	Green	Green	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
Пул массаси ўсиши (йиллик, %)	Green	Green	Green	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	
Реал самарали алмашув курси (сентябрь 2019 = 100)	Yellow	Yellow	Yellow	Yellow	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	Orange	


Пул бозори **фоиз ставкалари** ва **ДҚҚ даромадлиги** кўрсаткичлари “нисбатан қатъий” шароитлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Банк тизимида **ликвидлик ҳажмининг ортиши** шароитларни юмшатувчи, аҳоли депозитлари ва кредитлари билан боғлиқ **миқдорий кўрсаткичлар** эса қатъийлаштирувчи аҳамият касб этмоқда. **Кутилмаларнинг пасайиши** ва **алмашув курси барқарорлиги** ҳам нисбатан қатъий пул-кредит шароитларидан сигнал бермоқда.

## Депозитлар динамикаси

### Депозитлар қолдиғининг йиллик ўсиши



### Муддатли депозитлар қолдиғининг ойлик ўсиши




2024 йил 1 октябрь ҳолатига банк тизимидаги жами депозитлар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **32,3 фоизга** (йил бошидан 22,1 фоизга) ўсиб, **203 трлн.** сўмни ташкил этди. Бунда, жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари қолдиғи йиллик **1,6 баробарга** (йил бошидан 46,2 фоизга) ўсиб, **48 трлн.** сўмни ташкил этди.

## Макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари



## Асосий сценарий: Иқтисодий ўсиш прогнози



- **Реал ЯИМ ўсиши** қатъий пул-кредит шароитлари ва фискал консолидация таъсирида 2025 йилда **5,5-6,0 фоизга** тенг бўлиши кутилмоқда.
- 2026-2027 йилларда ЯИМ ўсиши **6-6,5 фоиз** атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда.

ЯИМ ўсишининг келгуси йилдаги **секинлашиши** асосан:

- Фискал тақчилликнинг **3 фоизгача** қисқариши;
- Кредитлар ўсишининг йиллик **14-15 фоизгача** секинлашиши;
- Хорижий инвестициялар ва пул ўтказмалари **ўсиш суръатининг нормаллашуви** ҳисобига кузатилади.

## Ташқи иқтисодий шароитлар бўйича кутилмалар


### Асосий сценарий

- Пасаювчи инфляция ва 2025 йил якунига **таргетга** етиш;
- **Фоиз** ставкаларининг **пасайтирилиши** ва 2026 йилда **нейтрал** даражага етиши;
- Ижобий **иқтисодий ўсиш** (*Европа ва Хитойда пастроқ*);
- Барқарор ташқи талаб ҳисобига **экспортнинг ўсиши**, **пул ўтказмаларининг** ошиши ва **импортнинг** пастроқ ўсиши;
- **Хомашёлар** нархининг **юқори** сақланиб қолиши.

### Муқобил сценарий

- Хизматлар инфляцияси ва иш ҳақи ошиши ҳисобига нисбатан **юқори инфляция**;
- Молиявий шароитлар узоқроқ **қатъий** сақланиб қолади, ташқи қарз нархи **қимматроқ** бўлади;
- Паст иқтисодий ўсиш хомашёлар нархлари ва ташқи талаб орқали **экспортга** салбий таъсир кўрсатади;
- Асосий савдо ҳамкорлар валюталари **алмашув курслари** бўйича хатарлар эҳтимоли юзага келиши мумкин.
- **Нефт ва рангли металлар** нархлари пасайиши мумкин.


## Асосий сценарий: Инфляция прогнози



- Асосий сценарийда умумий инфляциянинг 2025 йилда **6-7 фоиз** бўлиши ва 2026 йил II ярмида **5 фоизлик таргетга** етиши кутилмоқда.
- Базавий инфляция 2024 йил якунидаги **6,5-7,0 фоиздан** 2025 йилда **5 фоизгача** пасаяди ва шу даража атрофида сақланиб қолади.




## Муқобил сценарий: Иқтисодий ўсиш прогнози




- **Реал ЯИМ ўсиши** 2025-2026 йилларда **5,0-6,0 фоиз** доирасида бўлиши кутилмоқда.
- **Ташқи хатарлар** таъсирининг қисқариши ва **паст база** эффекти ҳисобига 2027 йилда **ўсиш суръатлари** тикланиши мумкин.
- **Хорижий инвестициялар** ва **пул ўтказмалари** 2025 йилда қисқаради ва **кредитлар ўсиши** секинлашади.

## Муқобил сценарий: Инфляция прогнози



- **Умумий инфляция** 2025 йилда **7-8 фоиз** атрофида бўлиши ва 2027 йил I ярим йилликда **5 фоизлик таргетга** етиши кутилмоқда.
- **Базавий инфляция** 2024 йил якунидаги **6,5-7,0 фоиздан** 2025 йилда **6,0-6,5 фоизгача** пасаяди.

## Хатарли сценарий: хатарлар ва ноаниқликлар




**Иқлим хатари:** ноқулай об-ҳаво ёки кутилмаган иқлим ўзгариши шароити юзага келган тақдирда умумий инфляцияга **оширувчи** таъсирга эга бўлади.

**Инфляцияга номонетар омиллар босими:** иқтисодиётда эркинлаштириш, таркибий ўзгариш жараёнларининг фаол амалга оширилиши **вақтинча** ялпи талаб ва таклифга номонетар омиллар таъсирини кучайишига олиб келади.

**Фискал рағбатлантиришнинг кучайиши:** сезиларли ички ва ташқи хатарлар юзага келган тақдирда давлат томонидан иқтисодиётни рағбатлантирувчи **фискал сиёсат** юритилади. Бу ўз навбатида, чекланган таклиф шароитида **ялпи талабни** ошириб нархларга **оширувчи** таъсир кўрсатади.

**Энергия ресурслари тақчиллиги:** иқтисодиётда энергия ресурслари таклифи ўсиб бораётган талабга мос бўлмаслиги туфайли **энергия тақчиллиги ва узилишлар** давом этади. Бу эса, **таннархини оширади** ҳамда ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ҳисобига **таклифнинг қисқаришига** таъсир кўрсатади.

## Хатарли сценарий: Инфляция прогнози



- Хатарли сценарийда **умумий инфляция** 2025 йилда **8-9 фоиз** атрофида юқори шаклланади ва **5 фоизлик таргетга** 2027 йилнинг сўнги чорагида етиши кутилмоқда.
- **Базавий инфляция** 2025-2026 йилларда **6-7 фоиз** оралиғида шаклланиши прогноз қилинмоқда.
- Пул-кредит шароитларини **қатъийлаштириш – асосий ставка**ни ошириш талаб этилади.